



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ**

**Допинг назорати офицерларини ишга  
қабул қилиш бўйича қўлланма**

**(Ўқув-услубий қўлланма)**

**Тошкент 2025**

**Тузувчилар**

А.А. Садиков

Миллий антидопинг агентлиги директори

Н.Ш. Эшқувватов

Миллий антидопинг агентлиги булим бошлиғи

Г.Мирсалимова

Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича бош мутахассис

Қуйидаги қўлланмада допинг назорати ҳодимларини ишга олиш тартиб тамўилларидан бошлаб уларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва халқаро стандартларда белгиланган кўникмаларга қандай қилиб эга бўлиши ва уларни амалиётда қўллай олишлари ҳақида батафсил тушунтиришлар бериб ўтилган.

## Мундарижа

Кириш .....	4
I-бўлим. Холислик ва мустақиллик .....	7
II-бўлим. Махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш .....	9
III-бўлим. Малака ва касбий тайёргарлик .....	10
IV-бўлим. Этик меъёрларга риоя қилиш .....	11
V-бўлим. Шаффофлик ва ҳисобдорлик .....	13
VI-бўлим. Давомий таълим ва ривожланиш .....	14
Хулоса .....	16
Фойдаланилган адабиётлар .....	77

## КИРИШ

Спорт инсон ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, унинг асосий тамойилларидан бири адолатли рақобат ва шаффофлик ҳисобланади. Ҳар қандай спортчи ўз маҳорат ва меҳнати билан натижага эришиши зарур. Бироқ, дунё миқёсида допинг воситаларидан фойдаланиш ҳолатлари спортнинг шаънига путур етказиб келмоқда.

Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) бу борада глобал назорат органи сифатида иш юритиб, спортда допингга қарши курашиш мақсадида WADA Кодекси ва бир қатор халқаро стандартларни қабул қилган. Улар орасида Халқаро тестлаш ва суриштирув стандарти (ISTI) алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у спортчилардан намуналар олиш, таҳлил қилиш ва допингга қарши текширувларни ташкил этиш тартибини белгилайди.

Мазкур жараёнда энг асосий шахслардан бири — допинг назорати ходимлари (Doping Control Officer, DCO) ҳисобланади. Уларнинг холис ва малакали фаолияти натижаларнинг ишончилиги, спортчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва қонун устуворлигини таъминлайди. Шу боис, DCOларни ишга қабул қилиш жараёни юқори даражадаги талаблар ва халқаро қоидалар асосида амалга оширилиши зарур.

Ишга қабул қилинувчи номзодларда қуйидаги сифатлар бўлиши шарт:

- спортчи ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва улар билан мулоқотда маданиятли бўлиш;
- ҳуқуқий ва тиббий билимларга эга бўлиш;
- стрессга чидамлик ва холисликни сақлай олиш;
- махфийлик қоидаларига қатъий риоя қилиш.

Шунингдек, улар WADA ва миллий антидопинг агентликлари томонидан ўтказиладиган тайёрлов курслари ва сертификатлаш жараёнларидан муваффақиятли ўтиши лозим. Бу эса ходимларнинг билим ва кўникмаларини халқаро стандартларга тўлиқ мослаштириш имконини беради.

Ушбу қўлланмада WADA Кодекси ва ISTI талаблари асосида допинг назорати ходимларини ишга қабул қилиш тартиби, уларга қўйиладиган талаблар, малака ошириш жараёнлари, ахлоқий меъёрлар ва назорат механизмлари батафсил ёритиб берилади. Шу йўсинда, қўлланма спортда адолат ва шаффофликни таъминлашда амалий қўлланма сифатида хизмат қилади.

Допинг синовларини режалаштириш ва тестлаш бўлими бош мутахассиси лавозими бўлим фаолиятининг асосий вазифаларини қонунчиликка мувофиқ бажарилишини таъминлайди.

Допинг синовларини режалаштириш ва тестлаш бўлими бош мутахассиси Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги директорининг буйруғига асосан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Допинг синовларини режалаштириш ва тестлаш бўлими бош мутахассиси Агентлик билан меҳнат муносабатлари, меҳнат шартномаси асосида тартибга солинади. Допинг синовларини режалаштириш ва тестлаш бош мутахассиси бевосита бўлим бошлиғига бўйсунди.

Лавозимни эгаллаш учун қўйиладиган талаблар: олий ёки (бўлим ва лавозим вазифаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб) ўрта-махсус тиббиёт, фармацевтика, жисмоний тарбия ва спорт, психология ёки педагогика ихтисослиги бўйича маълумот ёки шу соҳаларда етарли тажриба ва иш стажига эга мутахассис; махсус билим ва кўникмаларга эга бўлиш; хорижий тил(лар)ни (инглиз, рус ва бошқалар) билиш; персонал компьютерда эркин ишлаш ва унинг офис дастурий таъминотидан фойдалана олиш; электрон почта алмашинувини эркин амалга ошириш.

Бирламчи ҳужжатларни расмийлаштириш, бўлим ҳужжатлари, жиҳозлари ва асбоб-ускуналарини хатловдан ўтказиш тартиби; расмий ҳисоботларни тузиш ва топшириш тартиби, фуқаролик ва меҳнат қонунчилиги асосларини билиш, бўлимда ҳисоб ва ҳисоботни олиб бориш учун мавжуд дастурий таъминот ва компьютердан пухта фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш. Агентлик ходимларининг малакасини ошириш бўйича ички чора-тадбирлар ҳамда мавжуд иш шароитига кўра бош мутахассис касбий малакасини ошириб туриши шарт. Бош мутахассис фаолияти қуйидаги ҳужжатлар асосида ташкил этилади ва олиб борилади: фуқаролик, меҳнат ва жиноят кодекслари ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари, ушбу лавозим йўриқномаси, Агентликнинг ички меъёрий ҳужжатлари. Бош мутахассис вақтинча ишда бўлмаган даврда (масалан, меҳнат таътили, меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик даври давомида ва ҳоказолар), унинг вазифасини бажариш ушбу бўлимнинг ёки Агентликнинг бошқа ходимининг зиммасига юкланиши мумкин.

## **Ваколатлар даражаси**

Ушбу лавозим йўриқномасида белгиланган асосий вазифаларни бажарилишидан келиб чиқиб, бўлим бош мутахассиси қуйидагиларга ҳақли деб ҳисобланади, бўлим бошлиғи билан келишиб Агентлик ходимларига:

- зарур маълумотни тақдим этиши;
- керакли ҳужжатларни тайёрлаши;
- зарур моддий, инсон ва бошқа ресурсларни тақдим этиши;
- ўз вазифасининг бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ходимларнинг фаолияти бўйича бўлим бошлиғига тегишли масалалар юзасидан таклиф киритиши;
- меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган ҳолатларда ишончнома асосида ҳужжатларга имзо қўйиши;
- ҳамкасбларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан жазо чоралари кўриш борасида бўлим бошлиғига таклиф киритиши.

Юқоридаги талаблар меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда ва муддатда бажарилиши шарт.

## **Жавобгарлик**

Амалга ошираётган фаолияти, малакасининг даражаси, ушбу лавозим йўриқномасида кўрсатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариши бўйича амалдаги қонунчиликка асосан жавобгарликка тортилади. Ўз фаолияти давомида қонунбузарликлари учун — маъмурий, фуқаролик ва жиноят қонунчилиги доирасида. Агентликка моддий ва/ёки маънавий зарар етказгани учун меҳнат, фуқаролик ва жиноят қонунчилиги доирасида.

## **Иш самарадорлигини баҳолаш**

Бўлим бош мутахассисининг иш самарадорлиги ҳар ойда баҳоланади.

Иш самарадорлиги қуйидагича баҳоланади:

- ҳужжатларнинг сифати ва уларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги бўйича;
- ҳужжат юритиш сифати бўйича: тўғрилиги, ўз вақтидалиги, манзиллилиги ва бошқалар;
- бўлим бошлиғининг норозилиги ва бошқа таркибий бўлинмалар эътирозлари бўйича;
- ходимларнинг ўзаро муносабатлари этикаси бўйича;

- ходим фаолияти ва ўз устида ишлаши ва ривожланиши бўйича. Бўлим бош мутахассисининг иш самарадорлигини баҳолаш бевосита бўлим бошлиғи томонидан амалга оширилади.

## **Допинг назорати офицери ишга қабул қилишнинг асосий тамойиллари**

### **1. Холислик ва мустақиллик**

Допинг назорати офицери (DCO) ҳар қандай ташқи таъсирдан холи бўлиши ва қарорларини мустақил равишда қабул қилиши керак. Улар спортчи, федерация ёки бошқа манфаатдор томонлар билан шахсий манфаатга эга бўлиши мумкин эмас.

### **2. Махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш**

DCOлар спортчилар ҳақида тўпланган шахсий ва тиббий маълумотларни WADAнинг ISPPPI стандартига мувофиқ ҳимоя қилиши шарт. Ҳар бир жараёнда махфийлик қатъий таъминланиши керак.

### **3. Малака ва касбий тайёргарлик**

Ишга қабул қилинувчи ходимлар махсус тайёрлов курсларидан ўтиши ва WADA томонидан тасдиқланган сертификатга эга бўлиши лозим. Улар допинг назорати жараёнларини аниқ ва хатосиз амалга ошириш кўникмасига эга бўлиши шарт.

### **4. Этик меъёрларга риоя қилиш**

Ходимлар спортчиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши, тенглик ва адолат принципларига амал қилиши керак. Ҳеч қандай ҳолатда мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмайди.

### **5. Шаффофлик ва ҳисобдорлик**

Ишга қабул қилиш жараёни очиқ ва аниқ мезонлар асосида амалга оширилиши шарт. Ҳар бир номзоднинг баҳолаш натижалари ҳужжатлаштирилади ва миллий антидопинг агентлиги олдида ҳисобдорлик таъминланади.

### **6. Давомий таълим ва ривожланиш**

DCOлар доимий равишда малака ошириб боришлари лозим. WADA ва миллий агентликлар томонидан ўтказиладиган семинарлар, тренинглар ва онлайн курсларда иштирок этиш уларнинг доимий мажбурияти ҳисобланади.

## **I-БЎЛИМ**

### **1.1. Тамойилнинг аҳамияти**

Спортда допингга қарши курашиш жараёнида холислик ва мустақиллик

тамойили асосий устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки допинг назорати ходимлари (DCO) спортчилардан биологик намуналар олиш, уларни сақлаш ва лабораторияга юбориш каби жараёнларда ҳал қилувчи шахслардир. Агар уларнинг ишида қандайдир манфаатдорлик ёки ташқи таъсир мавжуд бўлса, тест жараёнининг ишончилиги ва натижаларнинг ҳаққонийлиги шубҳа остида қолади.

WADA Кодекси ва Халқаро тестлаш ва суриштирув стандарти (ISTI)га кўра, DCOларнинг иши тўлиқ холислик ва мустақилликка асосланиши керак. Бу нафақат спортчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки жамоатчилик ишончини таъминлаш учун ҳам зарур.

### **1.2. Холислик тушунчаси**

Холислик — бу DCOнинг шахсий фикрлари, ҳиссиётлари ёки ташқи босимлар таъсирисиз, қонун ва стандартларга тўлиқ амал қилган ҳолда қарор қабул қилиш қобилиятидир.

Масалан:

- DCO спортчи машҳурлиги, миллатидан ёки клубидан қатъи назар барчага тенг ёндашиши лозим.
- Дўстлик, қариндошлик ёки моддий манфаат каби омиллар тест жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

Холислик — спортчи учун тенг шароит яратиш ва тест жараёнида адолатни таъминлашнинг асосий кафолатидир.

### **1.3. Мустақиллик тушунчаси**

Мустақиллик эса DCOнинг ташқи таъсирларсиз иш олиб бориши, яъни федерациялар, клублар, мураббийлар ёки спортчиларнинг ўзидан келадиган босимларга берилмаслик қобилиятидир.

Мустақиллик қуйидагиларни англатади:

- DCOнинг ишга қабул қилиниши ва вазифалари миллий антидопинг агентлиги орқали амалга оширилиши;
- Ҳар бир текширув жараёнида бошқа манфаатдор томонлар иштирок этмаслиги;
- Ходим фақат WADA ва миллий қоидалар асосида ҳаракат қилиши.

### **1.4. Холислик ва мустақилликнинг бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар**

Манфаатлар тўқнашуви — DCO спортчи ёки унинг клуби билан яқин муносабатда бўлса.

Моддий таъсир — пора, совға ёки молиявий манфаат учун холисликка путур етса.

**1. Ташқи босим** — федерация ёки мураббийлар томонидан DCOга таъсир ўтказиш уринишлари.

Бу каби ҳолатларда DCO ўз вазифасидан четлатилиши ёки қайта текширув ўтказилиб, маъмурий жавобгарликдан тортиб жиноий жавобгарликкача жалб қилиниши белгиланган.

#### **1.5. Холислик ва мустақилликни таъминлаш чоралари**

- DCOларни танлашда “манфаатлар тўқнашуви декларацияси” тўлдирилиши шарт;
- Миллий антидопинг агентлиги томонидан ходимларнинг иши доимий назорат қилинади;
- Барча жараёнлар ҳужжатлаштирилади ва аудитор текширувига очиқ бўлади;
- DCOнинг ҳаракатлари WADA томонидан белгиланган этика кодексига мос бўлиши лозим.

#### **1.6. Амалий мисоллар**

- Агар спортчи билан DCOнинг шахсий алоқаси аниқланса, у текширув жараёнидан четлаштирилади ва бошқа ходим тайинланади.
- Халқаро мусобақаларда одатда турли давлатлардан келган DCOлар ишлайди, бу эса мустақиллик ва холисликни янада кучайтиради.
- Допингга қарши кураш жараёнида спортчилар ҳақида шахсий ва тиббий маълумотлар тўпланади. Ушбу маълумотлар жисмоний ҳолат, соғлиқ тузилиши, биологик намуналар ва ҳатто шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Шунинг учун уларнинг махфийлигини таъминлаш ва ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш допинг назорати ходимларининг энг асосий вазифаларидан биридир.

Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA)нинг **ISPPPI — Шахсий маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш халқаро стандарти** ана шу мақсадда ишлаб чиқилган. Бу стандартга кўра, ҳар бир допинг назорати ходими спортчи маълумотларини махфий сақлаши ва улардан фақат қонун доирасида фойдаланиши шарт. Шу боис, ҳар бир DCO иш жараёнида шахсий манфаатлардан воз кечиши, фақат WADA Кодекси ва миллий меъёрлар асосида фаолият юритиши зарур.

## **II-БЎЛИМ.**

### **2.1. Тамойилнинг аҳамияти**

Махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш тамойили — спортчиларнинг ҳуқуқлари ва ишончини сақлаш учун энг муҳим шарт ҳисобланади.

## **2.2. Махфийлик тушунчаси**

Махфийлик — спортчига оид барча шахсий, тиббий ва молиявий маълумотларни ҳимоя қилиш ва уларни учинчи шахсларга тарқатмаслик мажбуриятидир. Бунинг ичига қуйидагилар киради:

- спортчининг шахсий маълумотлари (исми, манзили, телефон рақами ва ҳ.к.);
- тиббий маълумотлар (касаллик тарихи, даволаниш усуллари);
- тест натижалари ва таҳлиллар;
- спортчининг жадвали ва спорт турмуш тарзи ҳақидаги маълумотлар.

## **2.3. Маълумотларни ҳимоя қилишнинг асосий қоидалари**

• **Маълумотларни йиғиш чекланган бўлиши керак.** DCO спортчи ҳақида фақат тест жараёни учун зарур маълумотларни йиғиши мумкин.

• **Маълумотлардан мақсадли фойдаланиш.** Тўпланган маълумотлар фақат WADA Кодексида белгиланган мақсадларда қўлланилиши керак.

• **Маълумотларни хавфсиз сақлаш.** Барча маълумотлар қонуний тарзда ҳимояланган тизимларда сақланиши зарур.

• **Чекланган кириш ҳуқуқи.** Маълумотларга фақат ваколатли шахслар кириши мумкин.

• **Йўқ қилиш тартиби.** Маълумотлар белгиланган муддатдан кейин ёки мақсадга эришилгандан сўнг йўқ қилиниши шарт.

## **2.4. Махфийликни бузиш ҳолатлари**

• Спортчи ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларига тарқатиш;

• Тест натижаларини расмий баённома чиқарилишидан олдин эълон қилиш;

• Спортчи ҳақидаги шахсий маълумотлардан шахсий манфаатда фойдаланиш;

• Маълумотларни ҳимоясиз дастурлар ёки ҳужжатларда сақлаш.

Бу ҳолатлар DCOнинг ишдан четлатилишига ва ҳуқуқий жавобгарликка олиб келиши мумкин.

## **2.5. Махфийликни таъминлаш чоралари**

• **Тренинг ва сертификатлар.** Барча DCOлар шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича махсус курслардан ўтиши керак.

• **Технологик ҳимоя.** Маълумотлар паролли дастурлар ва шифрланган базаларда сақланиши шарт.

- **Масъулиятни белгилаш.** Ҳар бир маълумот учун жавобгар шахс аниқ қилинади.
- **Йиллик аудитор текшируви.** Миллий антидопинг агентлиги маълумотларни ҳимоя қилиш жараёнларини мунтазам текшириб туради.

### **2.6. Амалий мисоллар**

- Агар спортчи тест натижаси ҳақидаги маълумот интернетда тарқалса, бу махфийликни бузиш деб ҳисобланади ва жавобгарликка олиб келади.
- Халқаро мусобақаларда спортчи маълумотлари махсус **ADAMS (Anti-Doping Administration & Management System)** тизимида сақланади, бу эса WADA стандартларига тўлиқ мос келади.

Махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш тамойили — спортчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамоатчилик ишончини таъминлашнинг асосий кафолати ҳисобланади. **DCO ҳар бир ҳаракатда шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга масъулдир.** Бу қоидаларга амал қилиш орқали адолатли ва тоза спорт муҳитини яратиш мумкин.

## **III-БЎЛИМ**

### **3.1. Тамойилнинг аҳамияти**

Допинг назорати ходимлари (DCO) спортда адолат ва тоза рақобатни таъминлайдиган асосий шахслардан бири ҳисобланади. Уларнинг малакаси ва касбий тайёргарлиги қай даражада юқори бўлса, тест жараёнлари ҳам шунчалик холис, ишончли ва қонуний талабларга мувофиқ ўтади. Шунинг учун WADA ва миллий антидопинг агентликлари DCOларни танлаш ва тайёрлашда юқори стандартларни белгилайди.

### **3.2. Малакага қўйиладиган асосий талаблар**

- **Назарий билим** — DCO WADA Кодекси, ISTI стандарти, антидопинг қоидалари ва миллий қонунчилик асосларини тўлиқ билиши шарт.
- **Амалий кўникмалар** — тест жараёнида намуналарни олиш, сақлаш ва ташиш протоколларига қатъий риоя қилиш.
- **Тиббий билимлар** — инсон анатомияси ва биологияси бўйича асосий тушунчаларга эга бўлиш.
- **Психологик тайёргарлик** — стрессга чидамлилик, спортчилар билан мулоқотда дипломатик ва маданиятли бўлиш.
- **Хавфсизлик ва санитария** — намуналар билан ишлашда гигиена қоидалари ва хавфсизлик чораларига амал қилиш.

### **3.3. Тайёрлов жараёни**

ДСОларни тайёрлаш жараёни бир нечта босқичдан иборат:

1. Назарий ўқув машғулоти — допинг назоратининг ҳуқуқий ва ахлоқий асослари, WADA Кодекси ва халқаро стандартлар.
2. Амалий машғулоти — спортчилардан намуналар олиш, уларни махсус идишларга жойлаш ва ҳужжатлаштириш жараёнларини ўргатиш.
3. Амалиёт — тажрибали ДСО билан биргаликда реал тест жараёнларида иштирок этиш.
4. Сертификация — номзоднинг назарий ва амалий билимлари текширилади. Муваффақиятли ўтган тақдирда, у расмий сертификат олади ва ДСО сифатида иш бошлаши мумкин.

### **3.4. Давомий касбий ривожланиш**

Малака фақат ишга қабул қилиш пайтида эмас, балки доимий равишда янгиланиб туриши зарур. Шу мақсадда:

- WADA ва миллий агентликлар томонидан семинарлар, тренинглари ва конференциялар ўтказилади;
- Онлайн курслар ва вебинарлар орқали билимлар янгиланади;
- Халқаро тажриба алмашиш дастурлари орқали ходимлар бошқа мамлакатлардаги амалиёт билан танишадилар.

### **3.5. Малака ва тайёргарлик етишмаслиги оқибатлари**

Агар ДСО етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмаса, қуйидаги салбий ҳолатлар юзага келиши мумкин:

- намуна олишда хатоликлар;
- ҳужжатларни нотўғри тўлдириш;
- спортчи ҳуқуқларини бузиш;
- тест жараёнининг қонуний кучини йўқотиш.

Бу нафақат спортчи, балки миллий антидопинг агентлиги нуфузига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу боис малака ва касбий тайёргарлик — ДСО учун асосий талаблардан бири ҳисобланади. Ҳар бир ДСО WADA стандартларига мос билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ҳамда малакасини доимий равишда ошириб бориши лозим. Фақат шундагина улар спортда тоза ва адолатли рақобат муҳитини таъминлай олади.

## **IV-БЎЛИМ**

### **4.1. Тамойилнинг аҳамияти**

Допинг назорати ходимлари (ДСО) спортда адолат ва ишончлилиқнинг асосий кафолатчиларидан ҳисобланади. Улар нафақат техник жараёнларни бажаради, балки спортчи билан тўғридан-тўғри мулоқот

қиладиган шахс ҳамдир. Шу сабабли, уларнинг ахлоқий меъёрларга қатъий амал қилиши тест жараёнининг ишончлилиги ва спортчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Этик меъёрлар — бу инсон хулқ-атворида одоб-ахлоқ, инсонийлик, адолат ва масъулиятга асосланган қоидалардир. WADA Кодекси ва Халқаро стандартларда (ISTI) ДСОларнинг этик мажбуриятлари алоҳида белгиланган.

#### **4.2. Асосий этик тамойиллар**

1. **Адолат ва тенглик** — барча спортчиларга тенг муносабатда бўлиш, уларнинг машҳурлиги ёки спорт даражасига қараб фарқ қилмаслик.
2. **Ҳурмат** — спортчининг шахсини, миллий қадриятларини ва шахсий ор-номусини ҳурмат қилиш.
3. **Поклик ва ҳалоллик** — ҳар қандай турдаги коррупция, манфаатдорлик ёки пора ҳолатларига қарши қатъий туриш.
4. **Мансаб ваколатини суистеъмол қилмаслик** — ходим ўз лавозимидан шахсий манфаат учун фойдаланмаслиги керак.
5. **Нейтрал позиция** — ходим ҳеч бир спортчи, федерация ёки клуб манфаатини ҳимоя қилмаслиги, фақат қонун ва стандартларга амал қилиши шарт.

#### **4.3. Этик меъёрларни бузиш ҳолатлари**

- спортчига нисбатан ҳурматсизлик ёки ноқонуний босим ўтказиш;
- тест натижаларини яшириш ёки ўзгартириш;
- мансабидан шахсий фойда олиш;
- спортчига ёрдам бериш мақсадида маълумотларни ноқонуний тарқатиш.

Бу ҳолатлар нафақат ДСОнинг ишдан четлатилишига, балки ҳуқуқий жавобгарликка ҳам олиб келиши мумкин.

#### **4.4. Этик тарбия ва тайёрлов**

ДСОлар этик меъёрларни ўрганиши ва уларга амал қилишни амалиётда қўллаши зарур. Миллий антидопинг агентликлари томонидан доимий равишда этика бўйича семинарлар, тренинглар ва кузатув дастурлари ўтказилиши шарт.

**Этик меъёрларга риоя қилиш учун ходимлар мунтазам равишда қуйидагиларни ўқиб-ўрганиши ва амал қилиши зарур:**

- WADAнинг “Этика кодекси”;
- Миллий антидопинг агентликлари томонидан тайёрланадиган ахлоқий қоидалар;

- Амалий машғулотлар ва симуляция орқали қийин вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш тажрибаси.

#### **4.5. Амалий мисоллар**

- Агар машҳур спортчи тест жараёнида қонунга зид ёлвориш ёки босим ўтказишга ҳаракат қилса, DCO ўз этик меъёрларига амал қилиб, холис қарор қабул қилиши керак.
- Халқаро мусобақаларда DCOлар спортчига барча жараёнларни маданиятли ва ҳурмат билан тушунтириши талаб этилади. Этик меъёрларга риоя қилиш — DCOнинг иш фаолиятида ҳал қилувчи жиҳат ҳисобланади. Агар ходим адолат, ҳалоллик ва ҳурмат тамойилларига амал қилса, спортчиларнинг ҳам ишончи ортади, тест жараёнлари шаффоф ва қонуний ўтади. Шунинг учун ҳар бир DCO нафақат техник билим, балки юқори даражада ахлоқий тарбияга ҳам эга бўлиши зарур.

### **V-БЎЛИМ**

#### **5.1. Тамойилнинг аҳамияти**

Шаффофлик ва ҳисобдорлик — бу замонавий бошқарувнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, спортда допингга қарши курашиш соҳасида ҳам катта аҳамиятга эга. Допинг назорати ходимлари (DCO)нинг иш жараёнлари шаффоф бўлмаса, жамоатчилик ва спортчилар орасида ишонч йўқолиши мумкин. Шунинг учун ишга қабул қилишдан тортиб, тест жараёнларини ўтказиш ва ҳисобот беришгача бўлган барча босқичлар очиқ, аниқ ва назорат қилиниши шарт.

#### **5.2. Шаффофлик тушунчаси**

Шаффофлик — бу барча жараёнларнинг очиқ ва тушунарли бўлиши, яъни:

- ишга қабул қилиш мезонлари олдиндан эълон қилинади;
- номзодларни баҳолаш жараёни ҳужжатлаштирилади;
- спортчи билан тест жараёнида қонун ва қоидалар тўлиқ тушунтирилади;
- натижалар ва ҳисоботлар миллий антидопинг агентлиги орқали жамоатчиликка аниқ ва холис равишда тақдим этилади.

#### **5.3. Ҳисобдорлик тушунчаси**

Ҳисобдорлик — бу ҳар бир DCOнинг ўз фаолияти учун масъулиятини тан олиши ва юқори органлар олдида ҳисоб бериши демакдир. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳар бир тест жараёни бўйича расмий ҳужжатлар тайёрлаш;

- топшириқлар бажарилиши ҳақида ҳисобот бериш;
- хатоликлар ёки қоидалар бузилиши ҳолатларини вақтида маълум қилиш;
- миллий антидопинг агентлиги ва WADA текширувларига очиқ бўлиш.

#### **5.4. Шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш усуллари**

##### **Ишга қабул жараёнида**

- номзодлар учун очиқ танлов эълон қилиниши;
- баҳолаш мезонлари барчага тенг қўлланилиши;
- қабул қилинган қарорлар ҳужжатлаштирилиши.

##### **Тест жараёнида**

- спортчига барча жараён қадамма-қадам тушунтирилиши;
- ҳар бир ҳаракат ҳужжатлаштирилиши ва спортчи имзоси билан тасдиқланиши;
- спортчига апелляция ёки шикоят қилиш имконияти яратилиши.

##### **Ҳисобот беришда**

- барча тест натижалари махсус ADAMS тизимида сақланиши;
- миллий агентлик ва WADA олдида йиллик ҳисобот тақдим этилиши;
- молиявий ва ташкилий ишлар бўйича жамоатчиликка очиқ ахборот берилиши.

#### **5.5. Шаффофлик ва ҳисобдорликни бузиш ҳолатлари**

- номзодларни ишга олишда субъектив ёндошиш;
- тест натижаларини яшириш ёки манипуляция қилиш;
- ҳужжатларни тўлдирмаслик ёки сохталаштириш;
- жамоатчилик ва юқори органларга ҳисобот тақдим этмаслик.

Бу ҳолатлар DCOнинг касбий обрўсига путур етказди, миллий агентлик ишончини йўқотади ва ҳуқуқий жавобгарликка олиб келиши мумкин.

#### **5.6. Амалий мисоллар**

- Халқаро мусобақаларда ҳар бир тест жараёни спортчи ва кузатувчилар ҳузурида ҳужжатлаштирилади, бу эса шаффофликни таъминлайди.
- Миллий агентликлар йил якунида оммавий ҳисоботлар чиқаради, бу орқали спортчилар ва жамоатчилик назоратида иштирок этади.

Шаффофлик ва ҳисобдорлик — DCOларнинг иш жараёнида ишонч ва адолатни таъминлайдиган асосий тамойиллардан биридир. Агар ҳар бир жараён очиқ ва назорат қилинадиган бўлса, спортчилар ҳам, жамоатчилик ҳам натижаларнинг ҳаққонийлигига ишонч билдириши мумкин. Шунинг учун DCOлар ўз ишини фақат қонун ва стандартлар асосида юритиши, ҳар бир қадамда ҳисобдорликни таъминлаши шарт.

## **VI-БЎЛИМ**

### **6.1. Тамоғилнинг аҳамияти**

Ҳар йили янги тақиқланган моддалар рўйхати янгиланади, тест усуллари такомиллашади ва WADA томонидан янги меъёрлар қабул қилинади. Шу сабабли, допинг назорати ходимлари (DCO) доимий равишда ўз билим ва кўникмаларини янгилаб туриши зарур. Бу нафақат уларнинг касбий салоҳиятини оширади, балки спортчилар ва жамоатчилик ишончини мустаҳкамлайди.

### **6.2. Давомий таълимнинг мақсадлари**

- WADA Кодекси ва халқаро стандартлардаги янгиликлардан хабардор бўлиш;
- янги тест усуллари ва технологияларини ўрганиш;
- спортчилар билан мулоқот маданиятини ривожлантириш;
- ахлоқий меъёрлар ва ҳуқуқий талабларни янада чуқур англаш;
- халқаро тажриба билан танишиш.

### **6.3. Давомий таълим шакллари**

#### **1. Семинар ва тренинглари**

Миллий антидопинг агентлиги ва WADA томонидан мунтазам равишда янги қоидалар ва амалиётларни ўргатишга қаратилган семинарлар ўтказилади.

#### **2. Онлайн курслар ва вебинарлар**

Дунёдаги барча DCOлар учун масофавий ўқиш имконини беради. ADAMS тизимидан фойдаланиш, янги стандартлар ва халқаро тажрибалар билан танишиш имкониятини яратади.

#### **3. Халқаро конференциялар**

Хорижий экспертлар билан тажриба алмашиш, янги усулларни ўрганиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтиришга имкон беради.

## ХУЛОСА

Допинг назорати офицерларини тайёрлаш ва уларнинг касбий фаолиятини ташкил этиш WADA стандартлари ва миллий қонунчилик асосида амалга оширилиши зарур. Малака, ахлоқ, шаффофлик ва давомий ривожланиш тамойилларига қатъий амал қилинса, спортда тоза ва адолатли муҳит таъминланади. ДСОлар спортчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва жамоатчилик ишончини мустаҳкамловчи асосий шахслар сифатида юқори масъулият билан иш юритишлари шарт.

Допинг назорати ходимларини ишга қабул қилиш жараёни спортда адолат ва ҳалолликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу жараён WADA Кодекси ҳамда Халқаро тестлаш ва суриштирув стандарти (ISTI) талабларига асосланиши шарт.

Аввало, **холислик ва мустақиллик** тамойили ДСОларнинг ҳар қандай ташқи таъсирдан холи ҳолда иш олиб боришини таъминлаб, натижаларнинг ҳаққонийлиги ва спортчиларга тенг ёндашувни кафолатлайди.

**Махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш** тамойили эса спортчиларнинг шахсий ва тиббий маълумотларини қонуний асосда ҳимоя қилиб, уларнинг ҳуқуқларини таъминлайди.

**Малака ва касбий тайёргарлик** орқали ДСОлар назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиб, тест жараёнларини ишончли ва хатосиз амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

**Этик меъёрларга риоя қилиш** адолат, ҳалоллик ва ҳурмат тамойилларига асосланган иш услубини талаб қилиб, спортчилар билан муносабатларда ишонч ва маданиятни мустаҳкамлайди.

**Шаффофлик ва ҳисобдорлик** ишга қабул қилишдан тортиб, тест жараёнлари ва ҳисобот беришгача бўлган барча босқичларда очиклик ва назоратни таъминлайди. Бу жамоатчилик ишончини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга. Ниҳоят, **давомий таълим ва ривожланиш** тамойили ДСОларнинг билим ва кўникмаларини доимий равишда янгилаб туришини таъминлаб, уларнинг касбий салоҳиятини оширади ва замонавий талабларга мослашишига хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. **World Anti-Doping Agency (WADA). World Anti-Doping Code, 2021 Edition.**

<https://www.wada-ama.org/en/resources/the-code/world-anti-doping-code>

2. **International Standard for Testing and Investigations (ISTI), 2021.**

<https://www.wada-ama.org/en/resources/world-anti-doping-program/international-standard-for-testing-and-investigations-isti>

3. **International Standard for the Protection of Privacy and Personal Information (ISPPPI), 2021.**

[www.wada-ama.org/en/resources/world-anti-doping-program/international-standard-for-the-protection-of-privacy-and-personal-information-ispppi](http://www.wada-ama.org/en/resources/world-anti-doping-program/international-standard-for-the-protection-of-privacy-and-personal-information-ispppi)

4. **WADA Guidelines for Sample Collection Personnel, 2021.**

<https://www.wada-ama.org/en/resources/world-anti-doping-program/guidelines-sample-collection-personnel>

5. **UNESCO International Convention against Doping in Sport, 2005.**

<https://en.unesco.org/themes/sport-and-anti-doping/convention>

6. **WADA Annual Report 2023.** <https://www.wada-ama.org/en/resources/general-resources/annual-report>

7. **ADOs (National Anti-Doping Organizations) Best Practices Guide, 2022.**

<https://www.wada-ama.org/en/resources/nado/nado-best-practices>

8.